

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МАРДОНОВ АСРОР ҲАСАНОВИЧ

**ЦЕЛЛЮЛОЗА ВА ҚОҒОЗ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ ЧИҚИНДИЛАРИ
АСОСИДА КЎП ФУНКЦИЯЛИ КИМЁВИЙ МАҲСУЛОТЛАР ОЛИШ**

02.00.05 - Целлюлоза ва целлюлоза- қоғоз ишлаб чиқариш кимёси ва технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2025

The theme of dissertation Doctor of Philosophy (PhD) was registered by Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under number of B2025.2.PhD/T5539

The dissertation has been carried out at the Tashkent Chemical Technological Institute.

The abstract of dissertation in three languages (Uzbek, Russian and English (resume)) is available on line www.tkti.uz and on the website of information-educational portal «ZiyoNet» www.ziyo.net

Scientific supervisor:	Ma'mura Kasimovna Abdumavlyanova candidate of chemical sciences, Professor
Official opponents:	Yo'ldoshev Sherzod Abdullayevich doctor of chemical sciences, Senior Researcher Nabiyeva Iroda Abdusamatovna doctor of technical sciences, Professor
Leading organization	LLC "Tashkent Research Institute of Chemical and Technological Sciences"

Defence of the dissertation will take place on 28 08 2025 at the meeting of Scientific council DSc.03/30.12.2019.T.04.01. at Tashkent Chemical Technological Institute. (Address: Navoi str., 32. Tashkent, 100011, Tel.: +998-71-244-79-20; Fax: +998-71-244-79-17; e-mail: info_tkti@edu.uz. Conference hall of the Tashkent Chemical Technological Institute).

The dissertation has been registered at the Information Resource Centre of the Tashkent Chemical Technological Institute under № 2025 (Address: Navoi str., 32 Tashkent, 100011, Administrative Building of the Tashkent Chemical Technological Institute, Tel.: +998-71-244-79-20)

The abstract of the dissertation has been distributed on "08" 08 2025
Protocol at the register № 2025 dated "08" 08 2025



S.M. Turobjonov

Chairman of scientific Council for the
Award of the scientific Degrees,
Doctor of Technical Sciences, Academician

H.L. Qodirov

Scientific Secretary of the Scientific Council
for the Award of the scientific Degrees,
Doctor of Technical Sciences, professor

G. Rashmanberdiev

Chairman of the Scientific Seminar at the
Scientific Council for the Award of the scientific Degrees,
doctor of chemical sciences, Academician

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мардонов Асрор Ҳасанович Целлюлоза-қоғоз саноати корхоналари чиқиндилари асосида кўп функцияли кимёвий маҳсулот олиш.....	3
Мардонов Асрор Ҳасанович Получение химических продуктов многофункционального назначения на основе отходов целлюлозно-бумажной промышленности.....	21
Mardonov Asror Hasanovich Production of multifunctional chemical products based on waste from the cellulose and paper industry	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МАРДОНОВ АСРОР ҲАСАНОВИЧ

**ЦЕЛЛЮЛОЗА ВА ҚОҒОЗ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ ЧИҚИНДИЛАРИ
АСОСИДА КЎП ФУНКЦИЯЛИ КИМЁВИЙ МАҲСУЛОТЛАР ОЛИШ**

02.00.05 - Целлюлоза ва целлюлоза- қоғоз ишлаб чиқариш кимёси ва технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2025

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Ҳозирги вақтда бир ва кўп йиллик ўсимликлар пояларини гидролизлаш целлюлоза олишнинг асосий усули бўлиб, жараёнда ҳосил бўлувчи иккиламчи маҳсулотларни қайта ишлаш асосида энергетика, қурилиш, фармацевтика ва бошқа соҳалар учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Целлюлоза ишлаб чиқариш жараёни иккиламчи маҳсулотларини мақсадли қайта ишлашнинг янги истиқболли йўналишларини аниқлаш, жумладан озиқ-овқат саноати учун қоғоз ва қоғозсимон композицион материаллар, сувни тозалашда қўлланиладиган ионитлар, бетон аралашмалари суперпластификаторлари ишлаб чиқариш технологияларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда целлюлоза ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш, жараёнда ҳосил бўлувчи иккиламчи маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, бир ва кўп йиллик ўсимликлар пояларидан структура ва хоссалари яхшиланган целлюлоза ва целлюлоза ҳосилаларини ажратиш, лигнин асосли чиқиндиларнинг морфологик таркибини аниқлаш, уларни қайта ишлашда гидролиз, этерификация, алкиллаш ва ариллаш технологияларини жадаллаштириш, иккиламчи маҳсулотларни қайта ишлаш асосида қиммат, саноатда мақсадли фойдаланиш мумкин бўлган материаллар чиқариш технологияларини яратиш ва синовдан ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда лигнин асосли чиқиндиларни кимёвий қайта ишлашнинг гидролиз ва этерификация жараёнлари орқали саноат оқова сувларини металл ионларидан тозалаш учун ионитлар, суперпластификаторлар, қоғоз ва қоғозсимон композицион материаллар олиш, қайта ишлашнинг энергия ва ресурс тежамкор тизимлардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилиб, муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан «мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солган ҳолда маҳаллий саноат тармоқлари салоҳиятини янада ривожлантириш, ташқи бозор ва ҳалқаро талабларга жавоб берадиган стандартларни жорий этиш»¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада саноатнинг иккиламчи маҳсулотларини қайта ишлашда гидролиз ва этерификация технологияларини такомиллаштириш, улар асосида янги таркибдаги селектив катионитлар, барқарор суперпластификаторлар ишлаб чиқаришга қаратилган тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3244-сон «Республикада целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш бўйича қўшимча қувватларни ташкил этиб, халқ хўжалигининг бу маҳсулотга бўлган талабини қондириш тўғрисида»ги қарори, 2018-йил 17-январдаги ПҚ-3979-сонли «Мамлакат иқтисодиёти

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида» фармони

тармоқларининг талаб юқори бўлган маҳсулот ва хомашё турлари билан барқарор тامينлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265 сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бўлган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технология ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технология ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таркибида целлюлоза сақловчи ўсимликлардан целлюлоза ва лигнин ажратиш, суперпластификаторлар, барқарор ионитлар олиш технологиясини такомиллаштиришга оид И.П. Дайненко, А.В. Абушенко, К. Клемм, Б. Ҳеублеин, Ҳ.П. Финк, Д.С. Бажпаи, А.К. Тяги, Э.Р.Ж. Моон, А. Мартини, Ж. Наирн, А. Гандини, М.С. Дудкин, З.К. Джуманова, С.Р. Отажонов, Ҳ.У. Усмонов, Г.В. Никонович, С.С. Негматов, Т.М. Миркомиллов, Ғ.Р. Раҳмонбердиев, К.Р. Разиков, С.Ш. Рашидова, А.С. Тураев, А.А. Саримсаков, А.А. Атаханов, Ш.А. Йўлдошев, Р.С. Сайфутдинов, Д.С. Набиев, М.Т. Примкулов, А.Т.Джалилов ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Улар томонидан таркибида целлюлоза сақловчи ўсимликлардан структура ва хоссалари яхшиланган целлюлоза ва целлюлоза ҳосилалари ажратилган, гидролиз жараёнда ҳосил бўладиган иккиламчи маҳсулот лигниннинг физик-кимёвий хоссаларини аниқланган, улар асосида ҳар хил мақсадлар учун ишлатиладиган маҳсулотлар олиш технологиялари яратилган, фармацевтика, кимё, озиқ-овқат, қурилиш саноатларида фойдаланиш технологиялари тавсия этилган.

Шу билан бирга бир йиллик ўсимликлардан ва қишлоқ хўжалик чиқиндиларидан целлюлоза олиш, хоссаларини ўрганиш, улар асосида сувда ва органик эритувчиларда эримайдиган янги композицион маҳсулотлар ишлаб чиқариш, целлюлоза саноати иккиламчи хом-ашёси лигнин асосида турли мақсадлар учун ҳар хил кимёвий маҳсулотлар олиш ва уларнинг қўлланилиш соҳаларини кенгайтириш йўналишларида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институти илмий тадқиқот ишлари режасининг РЕП-24112021/49 рақамли «Антибактериал, функционал воситаларни ўз ичига олган Оптималлашган Смарт қадоқлаш (ОСП)ни ишлаб чиқиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва тарқатишда сифат кўрсаткичларини ошириш» мавзусидаги халқаро илмий лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади целлюлоза-қоғоз саноати чиқиндилардан табиий полимерлар целлюлоза ва лигнинни ажратиш, ўрам қоғоз, сульфокатионит ҳамда

суперпластификаторлар олиш технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

целлюлоза-қоғоз саноати чиқиндилари таркибидан целлюлозани ажратиш ва физик-механик хоссаларини ўрганиш;

целлюлоза асосида ўрам қоғози олиш ва унинг физик-механик хоссаларини аниқлаш;

гидролиз суюқлигининг таркибини ўрганиш, ҳамда ундан лигнинни ажратиш;

ажратиб олинган лигнинни сулфолаш жараёнининг мақбул шароитларини аниқлаш, синтез қилинган лигнин сулфокислоталарни формалин билан поликонденсатлаш жараёнини амалга ошириш ва жараённинг боришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

синтез қилинган моддаларнинг таркиби ва тузилишини турли физик-кимёвий усуллардан фойдаланиб аниқлаш;

гидролиз жараёни иккиламчи маҳсулоти гидролиз суюқлигидан олинган лигнин асосида полиметиленлигнинсулфокислотанинг синтез жараёни технологиясини ва технологик регламентини ишлаб чиқиш;

синтез қилинган полиметиленлигнинсулфокислотанинг натрийли тузини суперпластификатор сифатида бетон аралашмаларига таъсирини ўрганиш;

синтез қилинган полиметиленлигнинсулфокислотанинг сулфокатионит сифатида эксплуатацион хоссалари - бўқиши, статик ва динамик алмашилиш сиғимини аниқлаш, термик ва кимёвий барқарорлигини текшириш;

синтез қилинган сулфокатионитнинг хоссаларини бошқа катионит билан солиштириш орқали амалиётга жорий қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида каноп ўсимлиги поялари, гугурт саноатининг толали чиқиндилари, қоғоз саноатининг иккиламчи хом ашёси, ўсимликлар гидролизи жараёни иккиламчи маҳсулоти лигнин олинган.

Тадқиқотнинг предмети целлюлоза, лигнин, лигнин асосида суперпластификатор ва сульфокатионитлар, саноат оқова сувларини тозалаш, қурилиш материаллари сифатини оширувчи қўшимчалар ишлаб чиқиш ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида моддаларни кимёвий тозалаш, сулфолаш, поликонденсациялаш усуллари, ИҚ-спектроскопия, термогравиметрия ва булардан ташқари физик-механик, технологик ва эксплуатацион хусусиятларини аниқлашда стандартлаштирилган синов услубларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

140-150 °С ҳароратда 6 %-ли натрий ишқор эритмаси билан гидролизлаб каноп ва гугурт саноати толали чиқиндиларидан целлюлоза ажратилиб, 1:1 нисбатда МС-6 маркали макулатура қўшиб ўрам қоғоз ишлаб чиқариш мумкинлиги исботланган;

кислотали муҳит ва 70-80 °С ҳароратда целлюлоза олиш жараёнида ҳосил бўладиган гидролиз суюқлигидан 97 % гача лигнин ажралиши асосланган;

лигнинни 90-100 °С ҳароратда 6 соат давомида H_2SO_4 билан сульфолаб 86 % гача сульфолигнин ҳосил бўлиши исботланган;

сканерловчи электрон микроскоп орқали олинган сульфолигнин макроғовакли тузилиши аниқланган ва оқова сувларни тозалашда КУ-2-8 катионитдан селективлиги исботланган;

сульфолигнин суперпластификатори кўшиб олинган бетон маҳсулотларининг 28 кундан кейинги мустаҳкамлиги таққосланиб, 0,8 % кўшилганда мустаҳкамлиги 79,54 % га ошиши исботланган;

целлюлоза-қоғоз саноати чиқиндилардан целлюлоза, лигнинни ажратиш ва ўрам қоғоз, сулфокатионит ҳамда суперпластификаторлар олиш технологиялари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

целлюлоза-қоғоз саноати чиқиндилари таркибидан ажратилган целлюлоза асосида ўрам қоғоз олиш мақбул параметрлари аниқланган;

целлюлозани олиш жараёнида ҳосил бўлган гидролиз суюқлигидан лигнинни ажратиш ва у асосида полиметиленлигнинсулфокислота олишнинг мақбул параметрларини аниқланган;

полиметиленлигнинсулфокислота олигомери асосида бетон аралашмалари учун суперпластификаторлар олиш технологияси ишлаб чиқилган;

полиметиленлигнинсулфокислота сулфокатионит олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таҳлилда замонавий физик-кимёвий тадқиқот услублари, хоссалари яхшиланган целлюлоза ишлаб чиқариш, лигнин асосли чиқиндиларни қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш, селектив катионитлар ва барарор суперпластификаторлар ишлаб чиқариш технологияларини саноатга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти целлюлоза-қоғоз саноати чиқиндилари, жумладан каноп ва гугурт саноати толали чиқиндиларидан целлюлоза ажратиб олишнинг мақбул шароити аниқлаш, целлюлоза ажратиб олинган гидролиз суюқлигидан 97% гача лигнин ажратиб олиш, ажратиб олинган лигнинни сульфолаш билан сульфолигнин ҳосил қилиш, олинган табиий полимерлардан кўп функцияли кимёвий маҳсулотлар сифатида қоғоз композициясини яратиш, сканерловчи электрон микроскоп орқали олинган сульфолигнин макроғовакли тузилиши аниқлаш орқали, уни оқова сувларни тозалашда КУ-2-8 катионитдан селективлигини исботлаб, сулфокатионит ҳамда суперпластификаторлар олиш технологиялари ишлаб чиқишнинг илмий-услубий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти целлюлоза-қоғоз, каноп пояси ва гугурт саноати чиқиндиларидан ажратиб олинган табиий полимер лигнин асосида олиниш усули, самарали импорт ўрнини босадиган, рақобатбардош, ресурстежамкор селектив катионитлар ва барарор суперпластификаторлар олиш, полиметиленлигнин сулфокислота олигомерини бетон аралашмалари учун суперпластификатор, техник сувларни тузсизлантириш учун катионитлар олиш

технологиясини ишлаб чиқишнинг илмий-услубий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Целлюлоза-қоғоз, каноп пояси ва гугурт саноати чиқиндиларидан целлюлоза ажратиш, гидролиз суюқлигидан олинган лигнин асосида селектив катионитлар ва барарор суперпластификаторлар олиш бўйича эришилган илмий натижалар асосида:

бир ва кўп йиллик ўсимликлардан целлюлоза олиш жараёни иккиламчи махсулоти лигнин асосида катионит олиш технологияси «ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИ» АЖ Муборак иссиқлик электр маркази филиалида ишлаб чиқаришга жорий қилинган («ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИ» АЖ Муборак иссиқлик электр маркази филиалининг 2024 йил 27-мартдаги № 02-21/152-сон маълумотномаси). Натижада маҳаллий катионит ишлаб чиқариш имконини берган;

лигнин асосида олинган полиметиленлигнинсулфокислота ионити билан сувни бирламчи босқичли тозалаш технологияси «ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИ» АЖ Муборак иссиқлик электр маркази филиалида сувларни биринчи босқичли тозалашда катионит сифатида амалиётга жорий қилинган («ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИ» АЖ Муборак иссиқлик электр маркази филиалининг 2024 йил 27-мартдаги № 02-21/152-сон маълумотномаси). Натижада техник сувнинг қаттиқлиги 1,6 дан 0,4 мг-экв/л гача, Ca^{+2} ионлари миқдорини 20 мг/л дан 0,8 мг/л гача, Mg^{+2} ионлари миқдорини 9,6 мг/л дан 0,18 мг/л гача камайтириш ва КУ-2-8 импорт сулфокатионитини маҳаллийлаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 16 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари (PhD) асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан 3 та республика ва 3 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 111 бетни ташкил этади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Целлюлоза ва қоғоз корхоналари чиқиндилари, улар асосида олинган композицион материаллар, хоссалари ва қўлланилиш соҳалари**» деб номланган **биринчи бобида** тадқиқот мавзуси бўйича нашр этилган илмий ишлар, адабиёт манбалари, олиб борилган изланишлар ва таҳлил натижаларининг шарҳи келтирилган. Таркибида целлюлоза сақловчи ўсимлик турлари ва улардан целлюлоза олиш, целлюлозалар тавсифи, таркиби, қўлланиши, гидролиз суюқлиги таркиби, лигнин ажратиш олиш усуллари, лигнин асосида олинган маҳсулотлар, суперпластификаторлар, ионитлар, катионитлар уларнинг турлари ва хоссалари, табиий полимерлар асосидаги композицион материаллар турлари ҳамда технологиясига оид хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Келтирилган илмий адабиётлардаги маълумотларга асосланган ҳолда диссертация ишининг мақсади ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг «**Тажрибада қўлланиладиган маҳсулотлар ҳамда инградиентларнинг физик-кимёвий ва технологик хоссаларини ўрганиш усуллари**» деб номланган **иккинчи бобида** целлюлоза олиш учун танланган ўсимлик турлари, уларни пишириш жараёнининг оптимал усули ва ўсимликлар таркибидан целлюлоза, гидролиз суюқлигидан лигнинни ажратиш олиш, уларни ҳосилаларини синтез қилиш, хоссаларини ўрганишнинг сифат кўрсаткичларини синаш услублари кўрсатилган. Хусусан, ўсимликлардан олинган целлюлоза ва МС-6 маркали макулатура асосида композицион материаллар олиш, уларнинг хоссалари ва сифат кўрсаткичларини аниқлаш усуллари кенг ёритилган.

Диссертациянинг «**Ўсимлик поялари таркибидаги табиий полимерларни ажратиш олиш технологиясини ишлаб чиқиш**» деб номланган учинчи бобида каноп ва гугурт саноати толали чиқиндисини экстракциялашни сувда, гидролизлашни кислота ва ишқор муҳитида олиб бориш жараёни ўрганилди. 1-расмда каноп поясини ишқорий ва кислотали эритмаларда гидролизга учратгандаги гидролиз суюқлигини оптик зичликларининг ўзгариши солиштирилган.



1 – 6 % ли NaOH эритмасида;

2 – 2 % ли HNO₃ эритмасида;

1-расм. Каноп поясини ишқорий (1) ва кислотали (2) муҳитда гидролизлаганда оптик зичлигининг ўзгариш кинетикаси

Ундан кўринадики, жараённинг бориши бир хил, фақат кислотали гидролизлаганда каноп пояси таркибидан ажралиб чиққан моддалар миқдори бироз кўпроқ.

Каноп поясини ишқор ва кислотада 60 дақиқа давомида қайнатилганда, унинг таркибидаги қийин эрийдиган моддалар ажралиб чиқиши аниқланган. Поя таркибидан осон ва қийин эрийдиган моддалар ажратилгач, поянинг кимёвий таркиби ҳисобланди, олинган натижалар кўп йиллик ва бир йиллик ўсимликлар кимёвий таркиби билан солиштирилди. Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўсимлик хом-ашёларининг кимёвий таркиби

Хом-ашёлар	Целлюлоза	Лигнин	Пентозан	Холоцеллюлоза	Кул миқдори
Каноп	55,4	15,6	22,3	60,0	2,78
Терак	45,7	24	21	75	1,2
Сомон	48,4	16,6	21,8	58,7	3,2
Топинамбур	45	16,2	17,8	64,2	1,5

Жадвалдан кўришиб турибдики, бир йиллик ўсимлик ҳисобланган каноп, шунингдек гугурт саноати толали чиқиндиди таркибида целлюлоза ва пентозанлар миқдори сомон, оқ қайин ва қарағайлардагига қараганда кўпроқ экан.

Каноп пояси ва гугурт саноати толали чиқиндиларидан целлюлоза олишни мақбул усулларини аниқлаш учун жараёнга ишқор концентрацияси ва вақт таъсири ўрганилди. Пишириш учун хом ашёдан 500 гр дан тортиб олиниб лаборатория автоклавида ишқорнинг 30г/л; 40г/л; 50г/л; 60г/л; ва 70г/л конц. эритмаларида ҳарорат, босим ва вақтни ўзгартирган ҳолда пиширилди.

2-жадвал

Каноп пояси, гугурт саноати толали чиқиндисидан целлюлоза олиш ва унинг сифат кўрсаткичларига ишқор коцентрациясини таъсири

NaOH, г/л	Целлюлоза унуми, %	ПД	α-целлюлоза, %	Кул миқдори, %
Каноп пояси				
30	32.7	830	76.1	1.33
40	34.3	850	78.8	0.96
50	39.2	870	84.4	1.20
60	56.4	880	92.6	0.84
70	47.4	820	90.6	0.72
Гугурт саноати толали чиқиндилари				
30	33.1	750	80.7	0.90
40	38.0	780	82.4	0.77
50	45.3	810	85.5	0.89
60	52.8	850	89.0	0.95
70	47.6	800	87.6	0.92

2-жадвалдан кўришиб турибдики, каноп пояси ва гугурт саноати толали чиқиндиларидан целлюлоза олишда ишқор концентрацияси 30 г/л дан 60 г/л гача оширилганда целлюлозанинг унуми ошиб боради, ишқор концентрацияси 70 г/л да эса аксинча целлюлозанинг унуми камаяди. Целлюлозани пишириш учун ишқор концентрацияси 60 г/л мақбул концентрация сифатида танлаб олинди.

3-жадвал

Гугурт саноати толали чиқиндилари ва каноп поясидан целлюлоза олиш ва унинг сифат кўрсаткичларига вақтнинг таъсири

Хом ашё	NaOH, г/л	Ҳарорат, °С	Вақт, минут	Целлюлоза унуми, %
Гугурт саноати толали чиқиндилари	60	150-160	180	34.3
			210	36.7
			240	43.2
			270	52.8
			300	44.3
Каноп пояси	60	140-150	210	39.2
			240	47.4
			270	56.4
			300	45.3

Каноп пояси ва гугурт саноати толали чиқиндиларидан олинган целлюлозаларнинг сув шимувчанлиги, хажм массаси ва целлюлоза миқдорлари аниқланди. Олинган натижалар қуйидаги жадвалда келтирилган.


4-жадвал

Олинган целлюлозаларнинг сифат кўрсаткичлари

Хом ашё номи	NaOH г/л	Вақт, минут	Ҳарорат, °С	Олинган целлюлоза миқдори, %	Сифат кўрсаткичлари		
					ҳажм массаси, кг/м ³	ПД	сув шимувчанлиги, %
Каноп пояси	60	150	140	35.7	185	830	54
		180		39.2	174	850	58
		210		47.4	165	870	62
		240		56.4	154	980	68
Гугурт саноати толали чиқиндиси	60	180	150	34.3	192	750	57
		210		36.7	185	780	61
		240		43.2	176	810	64
		270		52.8	162	850	66

4-жадвалдан кўриниб турибдики, вақт ошган сари целлюлозанинг унуми кўпайганлигини кўриш мумкин.

Олинган каноп целлюлозасининг ИҚ-спектроскопия усулидаги таҳлили 2-расмда келтирилган.



2-расм. Каноп целлюлозасини ИҚ-спектри


Каноп целлюлозасининг ИҚ-спектри таҳлили барча гидроксил гуруҳлари – ОН юқори водород боғлари билан характерланади. 3336,13 см⁻¹ частотали функционал гуруҳ ассиметрик валент тебранишли бўлиб, интенсивлиги юқори (СН₂). 1445,66-1384,90 см⁻¹ ва 1323,18-1265,80 см⁻¹ ютилиш соҳаларида бир неча максимум бўлиб, тебраниш тури ассиметрик, тебраниши интенсив. Ютилиш частотаси 1156,82 см⁻¹ да тебраниш тури валент, тебраниши интенсив.

Гидролиз суюқлиги таркибидан лигнинни ажратиб олиш. Дастлаб гидролиз суюқлигини дастлабки тозалаш (механик филтрлаш) учун ўлчами 50–200 μm (микрометр) бўлган полипропилен филтрдан ўтказиб олдик. Сўнгра моносакхаридлар ва органик кислоталарни парчалаш учун 80–90°С да 2–4 соат давомида суюқликни қиздирдик ва суюқликни рН қийматини ўлчаб олдик.

Лигнинни чўктириш жараёнида кислотали муҳит ҳосил қилиш муҳим босқич ҳисобланади. Бу жараёнда гидролиз суюқлигини рН 5,5–6,5 дан 1,5–2,5 гача пасайтириш керак, бу эса лигниннинг самарали чўкишига ёрдам беради. Шунинг учун биз гидролиз суюқлигини рН қийматини ўлчаганимиздан кейин уни пасайтириш учун суюқликни аралаштириб турган ҳолда концентрланган

H₂SO₄ томчилатиб кўшиб турдик.


Жараёни кузатиб турдик, суяқликка кислота кўшишдан олдин бошланғич ҳолатда рН = 6 эди. 10 дақиқадан кейин рН = 5,5-5,3 гача пасайди, 15 дақиқа давомида кислоталилик ортиб рН = 4,7-4,8 гача тушди, кейинги 30 дақиқада давомида кислоталилик янада ортиб рН = 3,5-3,2 гача тушди, 40-50 дақиқаларда рН = 2-1,8 гача тушди, бу лигниннинг чўкиши учун оптимал шароит ҳисобланади. рН = 2-1,7 оралиғида гидролиз суяқлиги таркибидаги лигнин тўлиқ чўкмага тушди.



Бу график лигниннинг чўкиш динамикасини кўрсатади.

Биринчи 10-20 дақиқа ичида лигниннинг 28% чўкади, 30-50 дақиқада чўкиш жараёни тезлашади, 72% гача етади, 60-80 дақиқаларда лигниннинг деярли 97% чўкади, яъни жараён якунланади. Жараён якунлангач лигнинни филтрлаб олиб, сувда яхшилаб ювдик ва курутдик.

Кислотали муҳитда гидролиз суяқлигидан чўктириб олинган лигниннинг ИҚ-спектри олинди ва таҳлил қилинди (3-расм)



3-расм. Кислотали усулда чўктириб олинган лигниннинг ИҚ-спектри

Сулфолигнин синтези жараёнини тадқиқ қилиш бўлимида лигнинни сулфолаш жараёнига таъсир этувчи омиллар ўрганилди.

1) Лигнин ортиқча миқдордаги сульфат кислота билан аниқ бир температурада реакцияга киришиб лигнин сулфокислотани ҳосил қилади.

2) Калций гидроксид кўшиш орқали лигнин сулфокислотанинг калцийли тузини ҳосил қилади ва ортиқча сульфат кислота калций гидроксид билан нейтралланиб чўкмани ҳосил қилади, чўкма филтрланади.


3) Филтратга натрий карбонат кўшиш орқали калцийли туз натрийли тузга айлантиради ва ортиқча калций гидроксид калций карбонат сифатида чўкмага туширилади. Олинган аралашма яна филтрланади.

4) Синтез қилинган ва реакциянинг кўшимча маҳсулотларидан тозаланган лигнинсулфонат натрийнинг сувдаги эритмаси вакуумли буғлатгич орқали сувдан тозаланади.


Лигнинсулфокислота синтези шароитлари

Модда номи	Лигнин ва конц. H ₂ SO ₄ нинг мол нисбати	Ҳарорат (°C)	Реакциянинг давом этиш вақти (соат)	Реакция унуми (%)
Лигнинсулфокислота	1;2	80	4	45
			6	52
			8	58
	1;2	90	4	61
			6	64
			8	69
	1;2	100	4	77
			6	86
			8	81
	1;2	110	4	71
			6	76
			8	80

Лигнинсулфокислота синтези қилишдада лигнин ва сульфат кислота 1:2 мол нисбати, ҳарорат 90°C, жараён давомийлиги 6 соат бўлганда 86% унум билан ҳосил бўлиши мақбул усул эканлиги аниқланди.



Лигнинни сулфолаш натижасида олинган сулфолигниннинг ИК-спектри олинди ва таҳлил қилинди (4-расм)



4-расм. Сулфолигниннинг ИК-спектри таҳлили

Лигнинни сулфолаш жараёнларидан олинган сулфолигнинлар бетон, юза фаол моддалар ва қишлоқ хўжалиги учун фойдали реагентлар сифатида ишлатилади.

Полиметиленлигнинсулфокислота синтезини тадқиқ қилиш бўлимида целлюлоза-қоғоз саноати корхоналари чиқиндилари (иккиламчи маҳсулоти) лигнин асосида полиметиленлигнинсулфокислота синтез қилиш жараёнининг технологик параметрлари ўрганилди. Полиметиленлигнинсулфокислотасини синтез қилиш учун лигнинни сулфолаб олинган сулфолигнинни формалин билан поликонденсациялаш реакцияси амалга оширилди. Синтез учун қуйидаги жараёнлар амалга оширилди:

Гидролиз суюқлиги таркибидан лигнин чўктириб олинди ва тозаланди; Олинган лигнин 100-105 °C да 6 соат давомида концентранган сульфат кислота билан сулфирланди, натижада тўқ қора рангли сулфомасса олинди; Олинган сулфомасса юқори босим остида ишлайдиган реакторга солинди ва формалиннинг 35% ли эритмаси билан 110-120 °C ҳароратда, 25-30 атм босимда поликонденсация жараёни амалга оширилди.

Поликонденсация жараёни якунлангач, ҳосил бўлган каттиқ поликонденсат механик майдаланиб ювилди ва поликонденсация жараёнини охирига етказиш учун 12 соат давомида 90-95 °С қиздирилди.

Полиметиленлигнин сулфокислотасининг барқарорлиги поликонденсациялаш жараёнидаги ҳарорат ва босимга боғлиқлиги ўрганилди. Полиметиленлигнин сулфокислотасининг барқарорлиги поликонденсациялаш жараёнидаги ҳарорат ва босимга боғлиқлиги б-жадвалда келтирилган.

б-жадвал


Полиметиленлигнинсулфокислота синтези параметрлари

Сулфолигнин ва формалдегид нисбати	Ҳарорат (°С)	Реакция вақти (соат)	Босим (атм)	СОЕ (мг-экв/см ³)	Солиштирма ҳажм (см ³ /гр)
1:1	80	2	10	0,64	6,84
	90	3	15	0,62	6,90
	100	4	20	0,64	6,95
	110	5	25	0,65	7,05
	120	6	30	0,61	7,1
1:1,2	80	2	10	0,70	6,85
	90	3	15	0,72	6,80
	100	4	20	0,71	6,95
	110	5	25	0,73	6,80
	120	6	30	0,75	6,90
1:1,4	80	2	10	0,81	6,65
	90	3	15	0,82	6,60
	100	4	20	0,81	6,55
	110	5	25	0,83	6,60
	120	6	30	0,86	6,70
1:1,6	80	2	10	0,89	6,25
	90	3	15	0,92	6,30
	100	4	20	0,91	6,25
	110	5	25	0,94	6,20
	120	6	30	0,97	6,10
1:1,8	80	2	10	0,97	5,85
	90	3	15	1,01	5,80
	100	4	20	1,09	5,85
	110	5	25	1,19	5,70
	120	6	30	1,24	5,65
1:2	80	2	10	1,27	5,35
	90	3	15	1,30	5,20
	100	4	20	1,38	5,15
	110	5	25	1,32	5,20
	120	6	30	1,28	5,30

Полиметиленлигнин сулфокислотасини синтез қилишнинг мақбул шароитлари сулфолигнин ва формалдегид нисбати 1:2, ҳарорат 100 °С, 4 соат вақт ва 20 атм босим оптимал шароит эканлиги аниқланди.

Поликонденсациялаш жараёнида босимнинг ортиши олинган полиметиленлигнинсулфокислотасининг молекуляр массаси катта бўлишини таъминлаши аниқланди.

Лигнин асосида олинган полиметиленлигнинсулфокислотасининг ИҚ-спектри олинди ва таҳлил қилинди (5-расм)



5-расм. Полиметиленилгнинсулфокислотанинг ИҚ-спектри

Диссертациянинг «Целлюлоза ва қоғоз корхоналари чиқиндиларидан олинган табиий полимерлар асосидаги материалларни қўлланилиш соҳаларини ўрганиш» деб номланган тўртинчи бобида целлюлоза-қоғоз саноати корхоналари иккиламчи маҳсулотлари асосида кўп функцияли кимёвий маҳсулотлар олиш тадқиқ қилинди.

7-жадвал

Ўрам қоғозининг физик-механик хусусиятларига каноп пояси ва гугурт саноати толали чиқиндиларидан олинган целлюлозанинг таъсири

Композиция Ц*/М**, %	Масса 1м ² , гр	Қалинлиги, мм	Эзилишга нисбатан қаршилиқ, кПа	Халқани босишдаги куч, Н	Намлиги, %
Каноп поясидан олинган целлюлоза					
100/0	175	0,26	490	400	7,1
75/25	177	0,25	480	380	7,3
50/50	176	0,28	475	370	6,8
25/75	175	0,26	460	350	6,9
Гугурт саноати толали чиқиндиларидан олинган целлюлоза					
100/0	176	0,26	450	385	6,7
75/25	177	0,25	434	376	6,9
50/50	175	0,27	426	360	7
25/75	175	0,26	415	348	7,2

Ц* - каноп пояси ва гугурт саноати толали чиқиндиларидан олинган целлюлоза;

М** - макулатура маркаси МС-6.

Ўрам қоғози олиш ва хоссаларини ўрганиш. Биз тадқиқотларимиз давомида каноп пояси ва гугурт саноати толали чиқиндиларидан олинган целлюлозалар қоғознинг физик-механик кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш мақсадида, олинган целлюлозалар ва МС-6 макулатурасидан фойдаланиб, лабораторияда турли композицион таркибли қоғоз намуналари тайёрланди.

Бизга маълумки, ўрам қоғозга қўйиладиган талабларнинг энг биринчиси мустаҳкамлигидир. Шунинг илоҳидида олган ҳолда ушбу икки турдаги намуналарнинг букилишга қаршилиги ҳамда узилиш узунлигини ўргандик. Қоғознинг ҳар иккала йўналишлари бўйича синов натижалари учун ўртача арифметик қийматлари олинди. Таҷриба натижалари 8-жадвалда келтирилди.

Жадвалдан кўришиб турибдики, каноп пояси ва гугурт саноати толали чиқиндиси целлюлозаси ҳамда МС-6 турли макулатура (75:25; 50:50; 25:75 нисбатда) олинган композицион ўрам қоғоз намуналарини узилиш узунлиги,

букилишга бўлган чидамлилиги, куллик миқдори ҳамда сув шимувчанлик кўрсаткичлари ўрганилиб, энг юқори натижа берганлигини кўришимиз мумкин.

8-жадвал

Целлюлоза ва МС-6 турдаги макулатура асосида олинган композицион ўрам қоғоз намуналарининг сифат кўрсаткичлари

№	Макулатура %	Каноп пояси целлюлозаси %	Гугурт саноати толали чиқиндиси целлюлозаси %	Сифат кўрсаткичлари			
				Узилиш узунлиги мм	Букилишга бўлган чидамлилиги <i>H</i>	Куллик миқдори %	Сув шимувчанлиги %
1	100	-	-	2800	10	4.46	3.45
2	75	25	-	3100	14	4.10	3.36
3	50	50	-	3400	20	3.88	2.36
4	25	75	-	3600	26	3.60	2.20
5	-	100	-	3800	32	3.30	3.81
6	75	-	25	2900	12	4.60	3.66
7	50	-	50	3200	17	4.23	3.46
8	25	-	75	3500	23	4.20	4.92
9	-	-	100	3600	27	4.12	4.10

Таҳлил натижаларидан шуни хулоса қилиш мумкинки, каноп пояси ва гугурт саноати толали чиқиндиларидан олинган целлюлозадан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади, чунки каноп пояси ва гугурт саноати толали чиқиндилари целлюлозаси қўшиб олинган ўрам қоғознинг сифат кўрсаткичлари макула-турадан олинган ўрам қоғознинг сифат кўрсаткичларига караганда анча яхши.

Каноп пояси ва гугурт саноати толали чиқиндиларидан целлюлоза олишда ҳосил бўлган гидролиз суюқлиги таркибидан ажратиб олинган лигнин асосида синтез қилинган полиметиленлигнинсулфо кислота амалиётга жорий қилинди. Полиметиленлигнинсулфо кислота олигомери бетон аралашмалари учун суперпластификатор сифатида фойдаланилди ва ижобий натижалар берди.

Суперпластификаторнинг бетон аралашмаларга таъсирини ўрганиш учун қуйидаги 5 та таркибли бетон қоришма тайёрланди (9-жадвал). 1-қоришма эталон учун, 2-қоришма таркибида 0,4% суперпластификатор, 3-қоришмада 0,6% суперпластификатор, 4-қоришмада 0,8% суперпластификатор, 5-қоришмада 1% суперпластификатор цемент миқдорига нисбатан қўшилган ҳолда синалди. Синолда бетон қоришмасининг конус чўкмасини 18 см.да ушлаган ҳолда сув сарфини камайтириш ва мустаҳкамлигини ошириш натижалари ўрганилди.

9-жадвал

Бетон аралашмаларининг таркиби ва конус чўкмаси

№	Цемент (гр)	Кум (гр)	Шағал (гр)	Сув (гр)	Суперпластификатор цементга нисбатан (%)	Бетон аралашмасининг конус чўкмаси (см)
1	2660	8750	3990	1120	-	18
2	2660	8750	3990	945	0,4	18
3	2660	8750	3990	853	0,6	18
4	2660	8750	3990	737	0,8	18
5	2660	8750	3990	682	1,0	18

Эталон сифатида олинган бетон аралашмасининг 18 см. пасайиши учун сарфланган сув миқдорига нисбатан 0,4% суперпластификатор қўшилганда 15,6% га, 0,6% суперпластификатор қўшилганда 23,8% га, 0,8% қўшилганда 34,2% га, 1,0% қўшилганда эса 39% гача сув сарфини камайтирди.

Юқорида ўтказилган синовлар натижасида олинган бетон аралашмалари 10x10x10 см ўлчамдаги қолипларга қуйилди. Олинган намуналар 7 ва 28 кундан сўнг бетоннинг мустаҳкамлиги ГОСТ 10180-2012 бўйича Гидравлик пресс (№МИГ.1000.06 РУ) машинаси орқали аниқланди (10- ва 11-жадвал).

10-жадвал

Бетон намуналарининг 7 кундан кейинги мустаҳкамлиги ГОСТ 10180-2012 бўйича

Намуна	1 (Эталон)	2 (СП-0,4%)	3 (СП-0,6%)	4 (СП-0,8%)	5 (СП-1,0%)
Қалинлиги a_0 , мм	40	40	40	40	40
Кенглиги b_0 ,	62,5	62,5	62,5	62,5	62,5
Кесим юзаси S , мм ²	1000	1000	1000	1000	1000
Диаметр d_0 , мм	8	8	8	8	8
Узунлиги l_0 , мм	100	100	100	100	100
Максимал куч R_{\max} , кН	166,839	200,516	232,448	246,605	224,328
Сиқилишга нисбатан мустаҳкамлиги $R_{сж}$, МПа	16,684	19,158	23,549	31,207	23,896
Сиқилишга нисбатан эластиклиги E_c , МПа	205,493	142,256	166,375	268,872	351,462

Суперпластификатор қўшиб олинган бетон маҳсулотларининг 28 кундан кейинги мустаҳкамлиги эталонга нисбатан солиштирилди. 0,4 % суперпластификатор қўшиб олинган бетон мустаҳкамлиги 19,6 % га, 0,6 % қўшилганда 55,8% га, 0,8% қўшилганда 79,54% га, 1,0% қўшилганда эса 43,95% га ошиши аниқланди.

11-жадвал

Бетон намуналарининг 28 кундан кейинги мустаҳкамлиги ГОСТ 10180-2012

Намуна	1 (Эталон)	2 (СП-0,4%)	3 (СП-0,6%)	4 (СП-0,8%)	5 (СП-1,0%)
Қалинлиги a_0 , мм	40	40	40	40	40
Кенглиги b_0 ,	62,5	62,5	62,5	62,5	62,5
Кесим юзаси S , мм ²	1000	1000	1000	1000	1000
Диаметр d_0 , мм	8	8	8	8	8
Узунлиги l_0 , мм	100	100	100	100	100
Максимал куч R_{\max} , кН	204,466	244,716	318,528	367,105	294,322
Сиқилишга нисбатан мустаҳкамлиги $R_{сж}$, МПа	20,447	22,788	33,149	36,207	26,896
Сиқилишга нисбатан эластиклиги E_c , МПа	328,483	352,236	386,645	368,372	491,474

Целлюлоза саноати иккиламчи маҳсулоти лигнин асосида синтез қилинган полиметиленлигнинсулфокислотани катионит сифатидаги эксплуатацион хоссалари ўрганилди: полиметиленлигнинсулфокислотани катионит сифатида синовга тайёрлашда ГОСТ 10896-78 халқаро стандарт бўйича ишлар амалга оширилди. Таққослаш учун КУ-2-8 сулфокатионити олинди (12-жадвал).


Жадвалдан кўришимиз мумкинки, синтез қилинган LA-1 сулфокатионитларнинг асосий эксплуатацион хоссалари ГОСТ талабларига тўлиқ жавоб бериши аниқланди.

**Синтез қилинган сулфокатионит (LA-1) ва КУ-2-8 (импорт)
сулфокатионитларнинг эксплуатацион хоссалари**

№	Катионит тури	Солиштирма массаси (гр/дм ³)	Намлиги, %	Солиштирма ҳажми (V _s) см ³ /гр	Умумий статик алмашилиш сифими, МГ-ЭКВ/Г	Динамик алмашилиш сифими, МОЛ/М ³
	Ўрганиш усули	ГОСТ 10898.2-74	влажомер ХУ-100MW	ГОСТ 10898.4 - 84	ГОСТ 20255.1-89	ГОСТ 20255.2-89
1	LA-1	712	64-67	3,2	4,1	502
2	KU-2-8 (намуна)	746	52-58	2,8	4,6-4,8	510-520

Олинган таҳлил натижалари биз томонимиздан тавсия этилаётган катионитнинг хоссалари импорт ҳисобига келтирилган сулфокатионит - КУ-2-8 хоссалари билан ўхшашлиги аниқланиб, саноат корхоналарида техник сувни тозалашда КУ-2-8 катионит ўрнига фойдаланишга тавсия этилди.

Лигнин асосида полиметиленигнинсулфо кислота олиш технологияси деб номланган бўлимида целлюлоза саноати иккиламчи маҳсулоти лигнин асосида полиметиленигнинсулфо кислотани синтез қилиш технологияси ишлаб чиқилди.



6-расм. Лигнин асосида сулфокатионит ишлаб чиқариш технологик жараёни схемаси

Дастлаб 1-линияда иккиламчи маҳсулот гидролиз суюқлигидан лигнинни ажратиб олиш учун ректификацион колоннада (РК-01) лигнин чўктирилади. Олинган лигнин 2 - сифимга юборилади. Лигнин сулфо кислота олиш учун лигнин 4 - сулфураторда сулфоланади. Олинган сулфомасса 5-реакторда формалин билан поликонденсатланади ва олигомер синтез қилинади. Сўнгра 10 - қуритиш камерасида қуритилиб, 11 - майдалагичда майдаланади. Поликонденсатланишни охиригача етказиш учун 12 қурилмада қиздирилади. Сўнгра 13,15 -майдалагич ёрдамида майдаланиб, 16 -элаклар ёрдамида заррачалар ўлчамига қараб фракцияланади. Олинган фазовий тузилишли сулфокатионит 16 - ювиш колоннасида ортикча сульфат кислотадан ювилади ва 17 - центрифугаланиб тайёр маҳсулот олинади.

ХУЛОСА

1. Каноп пояси ва гугурт саноати толали чиқиндисидан келгусида кимёвий қайта ишлаш мумкин бўлган целлюлоза олиш технологияси ишлаб чиқилди.
2. Каноп пояси ва гугурт саноати толали чиқиндисидан олинган целлюлозалар, ҳамда МС–6 туридаги макулатура асосида қадоқлаш учун ишлатиладиган композицион қоғоз таркиби ишлаб чиқилди. Композицион қоғоз намуналарининг пишиқлиги, икки томонлама букилишлар сони, узилиш узунлиги ва бошқа хусусиятлари ўрганилиб, уларни қадоқлаш учун қоғозлар ГОСТ талабларига тўлиқ жавоб бериши аниқланди.
3. Каноп пояси ва гугурт саноати толали чиқиндиларини ишқорий гидролизлаш орқали, целлюлоза олиш жараёнида ҳосил бўладиган гидролиз суюқлиги таркибидан лигнинни чўктириб олиш жараёнининг самарадор усули аниқланди.
4. Каноп пояси ва гугурт саноати толали чиқиндиларидан ажратиб олинган лигнин асосида лигнинсулфокислота синтез қилинди. Лигнинсулфокислота ва формалдегид асосида олигомер олишнинг мақбул усули, моддалар нисбати 1:1,2 мол, босим 30-40 атм., ҳарорат 110-120⁰С эканлиги аниқланди. Олинган олигомер бетон аралашмасига суперпластификатор сифатида ишлатилганда, паст маркали цемент асосида олинган бетоннинг мустаҳкамлик хоссалари яхшиланганлиги аниқланди.
5. Саноат оқова сувларини тозалаш учун полиметиленлигнинсулфокислота синтез қилинди. Катионитни эксплуатацион хоссалари импорт КУ-2-8 маркали катионит билан солиштирилганда, физик-кимёвий хусусиятлари чет эл аналогидан қолишмаслиги аниқланиб, иссиқлик электр станцияларида техник сувларни тозалашга қўллаш учун тавсия этилди.
6. Целлюлоза-қоғоз саноати чиқиндиси лигнин асосида катионит олишнинг технологик схемаси тавсия этилди ва технологик регламент ишлаб чиқилди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**
ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО – ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

МАРДОНОВ АСРОР ҲАСАНОВИЧ

**ПОЛУЧЕНИЕ ХИМИЧЕСКИХ ПРОДУКТОВ
МНОГОФУНКЦИОНАЛЬНОГО НАЗНАЧЕНИЯ НА ОСНОВЕ ОТХОДОВ
ЦЕЛЛЮЛОЗНО-БУМАЖНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

02.00.05 – Химия и технология целлюлозного и целлюлозно-бумажного производства

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОР ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии за № В2025.2.PhD/T5539

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на сайте Ученого совета (ik-kimyو.nuu.uz) и на информационно-образовательном портале «Ziyouet» (www.ziyouet.uz).

Научный руководитель: Абдумавлянова Мамура Касимовна
кандидат химических наук, профессор

Официальные оппоненты: Йўлдошев Шерзод Абдуллаевич
доктор химических наук, профессор

Набиева Ирода Абдусаматовна
доктор технических наук, профессор


Ведущая организация: ООО "Ташкентский научно-исследовательский институт химико-технологических наук"


Защита диссертации состоится «28» 08 2025 г. В «9⁰⁰» часов на заседании Ученого совета № DSc.03/30.12.2019.T.04.01. при Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: 100011, г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул. А. Навои, дом 32. Тел.: (99871)244-79-20, факс: (99871) 244-79-17, e-mail: tkti.info@edu.uz). Административное здание Ташкентского химико-технологического института, 2-этаж, конференц-зал.


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института (зарегистрирована за № 424). Адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхонтохурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-20).

Автореферат диссертации разослан «08» 08 2025 года.
(Протокол реестра рассылки №301 от «08» 08 2025 г.).




С.М. Туробжанов
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н.,
академик


Х.И. Кодиров
Учёный секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н.,
профессор


И. Рахмонбердиев
Председатель Научного семинара при
научном совете по присуждению
учёных степеней, д.х.н., академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время гидролиз стеблей однолетних и многолетних растений является основным методом получения целлюлозы, при котором на основе переработки образующихся в процессе вторичных продуктов производятся необходимые материалы для энергетики, строительства, фармацевтики и других отраслей. Определение новых перспективных направлений переработки вторичных продуктов целлюлозного производства, в том числе разработка технологий получения бумаги и бумажноподобных композиционных материалов для пищевой промышленности, ионитов, применяемых для очистки воды, суперпластификаторов для бетонных смесей, имеет важное значение.

В мире ведутся научные исследования по совершенствованию технологий целлюлозного производства и переработке вторичных продуктов, образующихся в этом процессе. В данном направлении особое внимание уделяется выделению из стеблей однолетних и многолетних растений целлюлозы с улучшенной структурой и свойствами, определению морфологического состава отходов на основе лигнина, интенсификации технологий гидролиза, этерификации, алкилирования и ариллирования при их переработке, а также созданию и испытанию технологий получения на основе вторичных продуктов ценных материалов, которые могут быть целенаправленно использованы в промышленности.

В нашей Республике особое внимание уделяется получению ионитов для очистки промышленных сточных вод от ионов металлов, суперпластификаторов, бумаги и бумажноподобных композиционных материалов путём химической переработки отходов целлюлозно-бумажной промышленности посредством процессов гидролиза и этерификации, а также применению энерго- и ресурсосберегающих систем переработки и при этом достигнуты определённые научные результаты. В Стратегии развития Нового Узбекистана, в частности, определены такие важные задачи, как «максимальное использование имеющихся возможностей для дальнейшего развития потенциала отраслей национальной промышленности, внедрение стандартов, отвечающих требованиям внешнего рынка и международным нормам»¹. В данном направлении особое значение имеют исследования, направленные на совершенствование технологий гидролиза и этерификации при переработке вторичных продуктов промышленности, разработку на их основе селективных катионитов нового состава, стабильных суперпластификаторов.

Настоящее диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № ПФ-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», 1 Постановлением Президента Республики Узбекистан от 23 августа 2017 года № ПҚ-3244 «О мерах по созданию дополнительных мощностей по производству целлюлозно-бумажной продукции и удовлетворению потребностей народного хозяйства в данной продукции», Постановлением Президента Республики Узбекистан от 17 января 2018 года № ПҚ-3979 «О мерах по обеспечению отраслей экономики страны

¹Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № ПФ-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы»

востребованными видами продукции и сырья на устойчивой основе», Постановлением Президента Республики Узбекистан от 3 апреля 2019 года № ПК-4265 «О мерах по дальнейшему реформированию химической промышленности и повышению её инвестиционной привлекательности», а также другими нормативно-правовыми актами, относящимися к данной сфере деятельности.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики, раздел VII — «Химические технологии и нанотехнологии».

